

## ҚИЗАМИҚ КАСАЛЛИГИНИНГ ЁШ БОЛАЛАРДА КЕЧИШИ, ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ОЛИБ БОРИШ

*Исроилов Шахзод Аъзам ўғли*

*Бухоро Инновацион таълим  
ва Тиббиёт Университети.*

**Аннотация:** Қизамиқ - ўткир юқумли касаллик бўлиб, умумий интоксикация, юқори нафас йўлларининг катарал яллигланиши, танага папулёз - доғли тошмалар тошиши билан харakterланади. Ушбу мақолада қизамиқ касаллигининг умумий тавсифи, уларнинг этиологияси, эпидемиологияси, диагностика ва даволаш йўллари, шунингдек, профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш усуллари баён этилади. Мақолада жаҳон тажрибаси ва замонавий ёндашувларга асосланиб, болалар орасида юқумли касалликларнинг тарқалишини камайтириш борасидаги асосий йўналишлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Қизамиқ, юқумли касалликлар, этиология, эпидемиология, профилактика, эпидемияга қарши чоралар.

### Мақола мазмуни.

**Кириш:** Қизамиқ - ўткир юқумли касаллик бўлиб, умумий интоксикация, юқори нафас йўлларининг катарал яллигланиши, танага папулёз - доғли тошмалар тошиши билан харakterланади. Қизамиқ ўткир юқумли касаллик бўлиб, яққол (манифест) шакли ўз ичига қўйидаги клиник кўринишларни олади.

- 4-5 кундан бошлаб папулёз доғсимон тошмалар тананинг турли қисимларига (1- кун юзга, бўйинга, 2-кун қорин, бел қисмига, 3-кун оёқ-қўлларга) тошиши;

- 38°C гача ҳароратнинг кўтарилиши;
- Йўтал ва тумов;
- Конъюнктивит;
- Умумий интоксикация.

**Этиология:** Қизамиқ қўзгатувчиси ўзида РНК сақловчи Paramyxovirideae оиласига, Morbillivirus турига мансуб вирусdir. Вирус ташки муҳит таъсирига чидамсиз бўлиб, ташки муҳит омиллари( қуёш нури, ультрабинафша нурлар, қуритиш, кислород )таъсирида тез ўлади. Кўп вақтдан бери қизамиқ вируси популяцияси бир турли деб ҳисобланган. Бироқ кейинги йилларда бაъзи штаммларнинг генетик даражасида фарқи кузатилмоқда, қисман генетик таркибида қизамиқ вирусининг "ёввойи" штаммларида ўзгаришлар аниqlанган

### Эпидемик жараённинг ривожланиш механизми

Қизамиқ - типик антропоноз касаллик. Касаллик қўзгатувчиси манбаи клиник белгилар яққол намоён бўлган шаклдаги bemor, эмланмаган bemorлар ва



белгиларсиз шакли ҳам бўлиши мумкин. Вируснинг организмга кириш йўли бўлиб нафас йўллари, кўз коњюктиваси ҳисобланади.

Қизамиқнинг яққол клиник кечишида 4 давр фарқланади: яширин (давомийлиги 8-21 кун, ўртача 9-10 кун), катарал (3-4 кун), тошма тошиш (3-4 кун) ва соғайиш даври. Бемор яширин даврнинг охирги 2 куни катарал даврнинг 3-4 куни ва тошма тошишининг 3-4 куни юқумли ҳисобланади. Шундай қилиб, умумий юқумлилик даври 8-10 кунни ташкил этади, бироқ енгил шаклларида юқиш даври камаяди.

Қизамиқ вируси аксирганда, йўталганда, кўз ёши орқали ҳаво-томчи йўли билан тарқалади. Вируснинг кам миқдорда ҳам касаллик чақиришини, bemор ажратмаларида қўзғатувчининг кўп бўлишини инобатга оладиган бўлса, бошқа ҳаво-томчи инфекцияларидан фарқли равишда касаллик қўзғатувчи манбадан катта масофада (5-8 м) узоқликда турган одам ҳам касалланиши мумкин. Барча ёшдаги қизамиқ билан оғримаган кишилар қизамиққа мойилдирлар. Касалликдан сўнг турғун умрбод сақланувчи иммунитет қолади. Жуда кўп мамлакатларда ва хусусан бизда ҳам бу касалликка қарши эмлаш ўтказилади. Қизамиқ вируси билан биринчи таъсирланганда, ҳар-хил молекуляр оғирликка эга бўлган антителалар шаклланади. Касаллик бошида IgM, охирида IgG ишлаб чиқарилади. IgM синфига мансуб антитела 1 ой давомида қондан йўқолади, IgG бутун умр сақланади. Бизнинг мамлакатимизда гуморал иммунитетни баҳолаш учун РТГА, РНГА ва ИФА қўлланилади.

**Қизамиқнинг эпидемиологик назоратида** асосий тадбирлар қўйидагилар ҳисобланади:

- Эпидемияга қарши чора-тадбирлар оперативлигини ошириш мақсадида "қизамиқ ҳолатлари" стандарт таърифини киритиш лозим;
- Эпидемиологик таҳлилнинг қўшимча шаклларини ишлаб чиқиш ва киритиш;
- Жамоа иммунитетини баҳолаш мақсадида танланган серологик текширувлар ўтказиш ва унинг коррекцияси бўйича қабул қилинган оператив ечимлар;
- Эпидемияга қарши ва профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва киритиш.

### **Профилактик ва эпидемияга қарши курашиш чора-тадбирлари**

Қизамиқни батамом йўқотиш соғлиқни сақлашнинг асосий йуналиши бўлганлиги сабабли, унга қарши курашиш чора-тадбирлари ва касалликнинг профилактикаси ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Бунинг учун bemорларни ўз вақтида аниқлаш ва алоҳидалаш, лаборатория текширувлари ўтказиш, bemор билан мулоқотда бўлганларни аниқлаш, қизамиқ

билин оғримаган ва вакцинация қилинмаганларни иммунологик ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Эмлаш календари бир неча марта күриб чиқылган бўлиб, ҳозирда вакцинация 12 ойликда ва ревакцинация 6 ёшда ўтказилади. Вакцина тери остига 0.5 мл дозада 1 марта юборилади. Болаларни эмлашга қамраб олиш камида 95%ни ташкил қилиши керак

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Т.А.Даминов Инфекционные болезни с детскими инфекциями// «Практика». — 2010. — С.370—377.
2. Афанасьева Н.А. Инфекционно—воспалительные заболевания полости рта и глотки // Российский медицинский журнал = Russian medical journal : Двухмес. науч.—практ. журн. — М. : Медицина, 2007. — № 5. — С.21— 25.
3. Беляков В.Д., Брико Н.И. // Здоровье населения и среда обитания: Информационный бюллетень / Федеральный центр государственного санитарно—эпидемиологического надзора. М. : ВНиСО. Ежемес., 1994 — № 10 (19) — С.4—7.
4. Белякова И.В. OF-тиปирование при изучении эпидемического процесса стрептококковой инфекции // Журнал микробиологии эпидемиологии и иммунологии / Минздрав РФ. — М. : Медицина, 1993. — № 2. — С.48— 49.
5. Келдиёрова З.Д. Состояние иммунной системы у детей с инфекционным мононуклеозом и обоснование иммунокорригирующей терапии.// Central Asian Journal Of Medical and Natural Sciences. <http://cajmns.centralasianstudies.org/index.php/CAJMNS/article/view/422/3972>.
6. Мизробов Д.Ў. General description, etiology, epidemiology, prevention and improvement of anti-epidemic measures of measles, rubella and rubella.// «Лучшие интеллектуальные исследования» №1 2024. <https://scientific-jl.org/luch/article/view/6182>. Б. 169-171
7. Jumaeva A. A., Nurov S. HYGIENIC PRINCIPLES OF FEEDING CHILDREN AND ADOLESCENTS //Central Asian Academic Journal of Scientific Research. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 258-263.
8. Azim o'g'li N. S. Sanitary Protection of Water Bodies and The Process of Natural Cleaning in Water Bodies //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 83-85.
9. Azim o'g'li N. S. Cleaning of Open Water Bodies From Waste Water From Production Enterprises //SCIENTIFIC JOURNAL OF APPLIED AND MEDICAL SCIENCES. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 80-82.
10. Azim o'g'li N. S. Existing Problems in Providing the Population With Drinking Water Through Underground Water Sources //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 77-79.

- 11.O'G N. S. A. Z. et al. CHANGES IN TASTE AND FOOD INTAKE DURING THE MENSTRUAL CYCLE //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. D3. – С. 251-253.
- 12.Нуров С. А. ИНСОН ОРГАНИЗМИДАГИ СУВНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЮҚОРИ КИМЁВИЙ ТАРКИБЛИ СУВ ТАЪСИРИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК ЖИХАТЛАРИ //SCIENTIFIC JOURNAL OF APPLIED AND MEDICAL SCIENCES. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 121-123.
- 13.Azimovich N. S. Pathogenetic Aspects of the Effect of Water with a High Chemical Content //International Journal of Integrative and Modern Medicine. – 2024. – Т. 2. – №. 6. – С. 81-83.
- 14.Azimovich N. S. The Importance of Minerals for the Human Body //International Journal of Integrative and Modern Medicine. – 2024. – Т. 2. – №. 6. – С. 77-80.
- 15.Azimovich N. S. Correction of Morpho-Functional Changes in the Kidney Caused by Groundwater Consumption with Bioactive Additives //International Journal of Integrative and Modern Medicine. – 2024. – Т. 2. – №. 6. – С. 84-85.
- 16.Azimovich N. S. PATHOGENETIC ASPECTS OF THE PROPERTIES OF WATER IN THE HUMAN BODY AND THE EFFECT OF SOLID WATER //World Bulletin of Public Health. – 2024. – Т. 34. – С. 47-49.
- 17.Sarboz A'zim o'g N. et al. STRATEGIES AND APPROACHES TO REACH OUT-OF-SCHOOL CHILDREN AND ADOLESCENTS //EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 56-58.
- 18.Sarboz A'zim o'g N. et al. Key Considerations for Assessing School Food Environments //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 85-87.
- 19.Azim o'g'li N. S. Sanitary Protection of Water Bodies and The Process of Natural Cleaning in Water Bodies //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 83-85.
- 20.Sarboz A'zim o'g N. et al. Disruption of Natural Systems Affects Health //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMUY JURNALI. – 2022. – С. 258-260.
- 21.Sarboz A'zim o'g N. et al. The Importance of Ecology for Children's Health and Well-Being //SCIENTIFIC JOURNAL OF APPLIED AND MEDICAL SCIENCES. – 2022. – С. 238-240.